

“КЕЛИШИЛГАН”
ТДТУ ректори
О.Қ.Абдурахманов
“ ” 2020 й.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

У С Т А В И

Тошкент - 2020

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

1. Тошкент давлат транспорт университети (матн давомида “Университет” деб номланади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 майдаги “Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари туўғрисида”ги ПҚ-4703-сон Қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирининг 2020 йил 20 майдаги 96-сонли буйруғига мувофиқ таъсис этилган. Транспорт соҳаси учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

2. Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳамда Тошкент давлат техника университетининг авиакосмик технологиялари факультети негизида ташкил этилган бўлиб, республикада транспорт соҳасидаги олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Университет Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради ва унинг тасарруфидаги олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча давлат таълим дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-услубий, маънавий-маърифий, илмий-тадқиқот ҳамда бошқа фаолиятни амалга оширади ва таълим хизматларини кўрсатади.

4. Университет ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ҳамда Транспорт вазирлигининг меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари ва мазкур Уставга амал қиласди.

5. Университет илғор халқаро таълим стандартлари ҳамда ўкув дастурларига мувофиқ 2020/2021 ўкув йилидан бошлаб таълимнинг кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этади.

6. Университет юридик шахс мақомига эга. Оператив бошқарувида ўзига хос маҳсус мол-мулкка эга ва ўз мажбуриятларига қонунчиликка белгиланган тартибда жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқидан фойдаланиши,

зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб, жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

Университет юридик манзили ва реквизитлари:

Ўзбекистон Республикаси, 100167, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Темириўлчилар кўчаси, 1-йи.

Университетнинг расмий номи:

а) давлат тилида (кирил алифбосида):

тўлиқ номи – Тошкент давлат транспорт университети;

қисқартирилган номи – "ТДТУ";

б) давлат тилида (лотин алифбосида):

тўлиқ номи – Toshkent davlat transport universiteti;

қисқартирилган номи – "TDTU";

в) рус тилида:

тўлиқ номи – Ташкентский государственный транспортный университет;

қисқартирилган номи – "ТГТУ";

г) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Tashkent State Transport University;

қисқартирилган номи – "TSTU".

II. Университетнинг асосий мақсад, вазифалари ва хуқуқлари

7. Ҳар томонлама ривожланган, ўз Ватани фидойиси, давлат ва жамият олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, мамлакатимиз келажаги учун вижданан ва ҳалол меҳнат қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, демократик ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда замонавий стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган юқори малакали етук кадрлар тайёрлаш Университетнинг асосий мақсади ҳисобланади.

8. Университетнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

– транспорт соҳаси эҳтиёжларидан келиб чиқиб, меҳнат бозоридаги рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни, шунингдек, оммавий касб мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

– транспорт соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини, шу жумладан

рақамли ва бошқа замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширишни ҳамда битирувчиларни чет элда магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таҳсил олишларини ташкил этиш мақсадида етакчи хорижий олий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

– транспорт соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратиш, тизимдаги академик лицей ҳамда соҳанинг профессионал таълим муассасалари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш;

– ўқув жараёнида назарий тайёргарликнинг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида транспорт соҳасидаги ташкилотлар билан биргаликда талабаларнинг амалиётларини тегишли соҳа ташкилотларида ташкил этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича мақсадли ҳамкорликни йўлга қўйиш.

– шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишни қондириш;

– ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини, ўз Ватани фидойиси, ҳалқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, ҳалқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанимиз келажаги учун вижданан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

– илмий-педагог ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;

– инновацион таълим технологиялари ва ўқув жараёнларини ташкил этишнинг самарали шаклларини ўзлаштириш орқали педагог кадрлар салоҳиятини оширишга кўмаклашувчи рақобат муҳитини яратиш;

– жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;

– аҳоли ўртасида билим тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини кўтариш;

– таълим тизимини етакчи давлатларнинг инновацион илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибалари асосида такомиллаштириш;

– ривожланган мамлакатларнинг университетлари ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари билан илм-фан ва олий таълим соҳасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш;

– иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида таълим,

илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам алоқаларини таъминлаш;

– Республикада транспорт тизимини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, ушбу соҳадаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда ўқув жараёни ва ишлаб чиқаришга илмий ишланмалар натижасини жорий этишни таъминлаш;

– транспорт соҳасида республика ва халқаро кўламда илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш;

– замонавий технологияларга асосланган илм-фанднинг янги қирраларини тадқиқ этиш учун янги ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш;

– олий таълим муассасалари талabalari ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадаларида фаол қатнашиш;

– Республикада иқтидорли талabalар учун таъсис этилган номдор давлат стипендиялари, турли маҳаллий ва хорижий стипендияларга университет талabalарини кенг жалб қилишда фаол иштирок этиш;

– талабага таълим дастурини мустақил шакллантириш имкониятини яратиш ва билимини баҳолашнинг ошкоралигини таъминлаш;

– Республика ва хорижий давлатларнинг етакчи олимлари, хусусан, академик ва фан докторлари иштирокида университет талabalari, ёш олимлар, профессор-ўқитувчилар билан илмий учрашувлар ҳамда давра сұхбатларини ташкил этиш;

– университетда турли илмий-амалий ва маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш.

9. Университетнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлиги билан келишилган ҳолда таълим йўналишларига ўзгартириш киритиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўқув режалари ва дастурларини, битирувчиларга қуйиладиган малака талablарини ўқув жараёнининг транспорт соҳасини ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар билан узлуксиз боғлиқлиги таъминланишини ҳисобга олган ҳолда, мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- кредит-модуль тизимини ўқув жараёнига жорий этиш борасида профессор-ўқитувчилар ўқув юкламасини мустақил меъёрлаштириш, шунингдек, педагог ходимлар томонидан ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишлари, "устоз-шогирд" тизими бўйича ишларнинг бажарилишини рағбатлантириб бориш;

- Университет профессор-ўқитувчиларининг Scopus ва Web of Science каби маълумотлар базасига кирган халқаро илмий

журналларда илмий мақолалар чоп этиш сарф-харажатларини молиялаштириш;

- Университет фаолияти йўналишлари бўйича маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматларни шартнома асосида кўрсатиш, шунингдек, Васийлик кенгashi билан келишилган ҳолда тақдим этиладиган хизматларни самарали амалга ошириш мақсадида илмий-тадқиқот ва инновацион хизматлар тузилмаларини шакллантириш;

- бакалавриат, магистратура ва докторантура йўналишлари бўйича етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

- иш берувчилар талабларини инобатга олган ҳолда ўқув режаларидаги назарий таълим улушкини қисқартириш ҳисобига амалий машғулотлар ҳажмини ошириш, ҳафтада бир кунлик амалиёт тажрибасини қўллаш ва дуал таълим тизимини босқичма-босқич амалга ошириш;

- хорижий мутахассисларни консультант, маслаҳатчи ва ўқитувчилар сифатида жалб қилиш ва уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош ҳамда бошқа тўловларни белгилаш ва тўлаш;

- Университетда беш йил давомида ишлаб бериш шарти билан иқтидорли талабалар ва етакчи профессор-ўқитувчиларнинг хорижий олий таълим муассасаларида ўқиши ва стажировка ўташи билан боғлиқ харажатларни Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаш;

- Университет ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларни ижарага бериш ва ундан тушадиган маблағларни электрон савдо майдончаси операторига тўланган тўлов чегирилгандан кейин Университетнинг бюджетдан ташқари жамғармасига тўлиқ йўналтириш.

III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

а) Талabalар:

10. Талаба – Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг баёни билан талабаликка тавсия этилади ва университет ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс ҳисобланади.

Таълим шаклига кўра:

- ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда таҳсил олувчи бакалавриат ва магистратура (кундузги) талабалари;

- ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таҳсил олувчи

бакалавриат (сиртқи ва маҳсус сиртқи) талабалариға ажралади.

Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда баҳолаш дафтарчаси берилади.

а) Университетга қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маълумотига эга бўлган шахслар аризалариға биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалариға талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалариға мувофиқ, давлат комиссияси томонидан ўтказилган тест синовлари натижалариға кўра тўплланган балларнинг баҳолаш тизими бўйича амалга оширилади;

б) Университетга қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда ўқишга қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган аббитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида ўқишга қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз, муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади;

в) меҳнат фаолияти хусусиятлари ва ўқув амалиёти, транспорт воситаси ҳаракати ҳамда инсонлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган таълим йўналишлари бўйича Университетга ўқишга ҳужжат топширишдан олдин абитетуриент ва талабаларни темир йўл транспорти йўналиши бўйича "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг ҳудудлардаги темир йўл поликлиникарида ташкил этилган ихтисослаштирилган тиббиёт комиссиясида, шунингдек, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш йўналиши бўйича "Uzbekistan Airports" акциядорлик жамияти тиббий-санитария бўлим мининг врачлик-учувчилик эксперт комиссиясида кўриқдан ўтишлари талаб этилади.

11. Университет талабалари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

– таълим, фан, техника, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг замонавий технологиялар ютуқлариға мос келувчи билимлар олиш;

– университет ахборот-ресурс маркази хизматларидан, шу жумладан ўқув-методик ва илмий адабиётлардан, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

– ўз илмий-тадқиқот ишларини илмий нашрларда чоп этишга тақдим этиш;

– белгиланган тартиб ва миқдорда стипендиялар, шунингдек маҳсус стипендиялар олиш;

– таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини

ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра мутасаддиларига билдириш ва уларнинг кўриб чиқилишини талаб қилиш;

- университет миқёсида ўтказилган илмий услубий, илмий-тадқиқот ишлари, конференциялар, илмий анжуманлар ва маданий-маърифий тадбирларда иштирок этиш;
- университетда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш;
- етакчи хорижий таълим муассасаларида академик алмашинувда иштирок этиш;
- талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиши учун зарур қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш;
- олий таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган барча жамоатчилик тадбирларида фаол иштирок этиш;
- талаба ўз ҳуқуқларини сусистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

12. Университет талабаларининг мажбуриятлари:

- танлаган таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича назарий ва амалий билимларни мунтазам ва чуқур эгаллаш;
- университет ҳудудида, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўрнатилган тартибларга мувофиқ, мавсумга мос равишда, касб кийимини кийиб юриш;
- мазкур Устав, Университет ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари, Университет талабалар турар жойи ички тартиб-қоидалариға қатъий риоя этиш;
- Университет бинолари ва унинг бошқа мол-мулкини асрраб-авайлаш;
- тўлов-контракт бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажариш.

Талабаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

13. Ўқиш даврида ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятида юқори кўрсаткичларга эга бўлган талабалар университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар грантлари ҳисобига ҳамда Университетнинг хорижий ҳамкорлари билан шартномалари асосида етакчи хорижий таълим муассасаларига талабаларнинг академик алмашинуви доирасида ўқишга юборилиши мумкин.

Талабаларнинг академик алмашинувини таъминлаш бўйича етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Университетда хорижий мамлакатларнинг

талабалари ҳам ўз ўқишини давом эттириши мумкин.

14. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатликни тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиши, шунингдек бола парвариш қилиш таътиллари даврида ҳамда амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

15. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга Университетда ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш имкони берилади.

16. Университет талабалар турар жойига муҳтож талабалар факультет раҳбарияти тавсиясига кўра, Университетнинг талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланиши мумкин. Талабалар турар жойларида талабаларга кўрсатиладиган коммунал-маиший хизматлар учун тўловлар миқдори Университет Кенгашида кўриб чиқилиб, мустақил белгиланади. Турар жойга муҳтож талабалар мавжуд бўлгани ҳолда, Университет талабалар турар жойи майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар)га рухсат этилмайди.

17. Университетнинг ички-тартиб қоидалари, одоб-аҳлоқ қоидалари ва талабалар турар жойи ички тартиб қоидаларини бузганлиги учун талабага нисбатан белгиланган тартибда огоҳлантириш ёки хайфсан берилади.

18. Талаба университетдан қуидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- г) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-аҳлоқ қоидаларини кўп ёки қўпол бузганлиги учун;
- д) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- е) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- ж) суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу холатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);

з) вафот этганлиги сабабли.

Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор бўлган) талаба олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан курсдан қолдирилади.

Академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талаба тўлов-контракт асосида ўқишини қуи курснинг тегишли ўқув семестри бошидан бошлиши мумкин.

Таълимнинг кредит-модуль тизимида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқишини кўчириш, тиклаш ҳамда талабалар сафидан четлаштириш амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида белгиланади.

19. Интизомий жазолар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда хатти-ҳаракат аниқланганидан сўнг бир ойдан ва хатти-ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечиктирмай қўлланилади.

Талабаларни касаллик даврида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиш ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил пайтларида талабалар сафидан четлаштириш мумкин эмас.

б) докторантлар ва мустақил изланувчилар:

20. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ихтисосликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражалари изланувчилари учун ташкил этилган олий ўқув юртидан кейинги таълимда ўқиётган фуқаро таянч докторант ва докторант ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида ихтисосликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражалари изланувчилари учун ташкил этилган олий ўқув юртидан кейинги таълимда ўқиётган фуқаро мустақил изланувчи ҳисобланади.

21. Таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчиларни ўқитиши шакллари ва муддатлари, уларни қабул қилиш ҳамда фаолиятини ташкил этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

в) Университетнинг профессор-ўқитувчилари таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик ходимлари (персонал):

22. Университетда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги раҳбарияти томонидан тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, муҳандистехник, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент (тьютор) ва эдвайзер лавозимлари киради.

Тьютор – маъruzачи томонидан ўқитилаётган фанни ўзлаштиришда таълим олувчиларга ёрдам берувчи шахс.

Эдвайзер – тегишли мутахассислик бўйича таълим олувчига академик мураббий функциясини бажарувчи, таълим траекториясини (шахсий ўқув режасини) шакллантиришда ва ўқиш даврида таълим дастурини ўзлаштиришда кўмаклашувчи ўқитувчи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июльдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4391-сон Қарорига мувофиқ:

а) Университетнинг тузилмаси ректор томонидан олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ Транспорт вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

б) Университетнинг ректори Транспорт вазирининг тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

в) университетнинг стратегик ривожлантириш масалалари бўйича ректорнинг биринчи ўринbosари лавозимиға Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг қарорига мувофиқ чет эллик фуқаро тайинланиши мумкин;

г) Университетнинг проректорлари Университет ректорининг тавсиясига асосан Транспорт вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади, бунда:

ўқув ишлари бўйича проректор лавозимиға номзод Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги;

ёшлар билан ишлаш бўйича проректор лавозимиға номзод Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши;

илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимиға номзод Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилади;

д) Университет:

хузуридаги илмий-тадқиқот муассасалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари раҳбарлари, академик лицейлар директорлари, Транспорт вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

факультет деканлари Университет ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

е) касб-хунар таълими муассасалари:

директорлари Транспорт вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

директорининг ўринbosарлари Транспорт вазирлиги билан келишилган ҳолда касб-хунар таълими муассасалари директори томонидан, шунингдек академик лицей директори ўринbosарлари

Университет ректори билан келишилган ҳолда академик лицей директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

23. Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимлари қуидаги ҳуқуқларга эга:

- белгиланган тартибда Университет ва факультет Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;
- университет фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;
- университет ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамoa шартномасига мувофиқ фойдаланиш;
- ўқитишининг услуг ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- Университет маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;
- қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;
- ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда);
- хорижий ҳамкасларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;
- ўз фани бўйича замон талабларига мос келувчи дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш;
- назарий билимларини, амалий тажрибасини, илмий-тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

24. Университет профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларининг мажбуриятлари қуидагилардан иборат:

- таълим тўғрисидаги амалдаги қонунчилик, меҳнат ва технологик интизоми, Университет Устави, Ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилиш;
- ўзининг хизмат вазифаларини вижданан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;
- иш жараёнида мулоқот қиладиган Университет ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан хушмуомала муносабатда бўлиш;

– иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар или тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ҳамда ташкилий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўқув ишлари, ўқув-услубий ишлар, илмий-тадқиқот ишлари ва “устоз-шогирд” ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва Университетда ўтказиладиган жамоат, маданий-маърифий ва маънавий-тарбиявий ишларда фаол иштирок этиш;

б) дарслик, ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар тайёрлаш, ўқув адабиётлари, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш;

г) Университет Кенгаши томонидан тасдиқланган кафедра илмий семинарларида иштирок этиш;

д) ўз малакасини мунтазам равишда ошириш:

– меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларга риоя қилиш;

– муассасанинг мол-мулкини авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

– иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

– университетда ўтказиладиган жамоатчилик ишларида қатнашиш;

– педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

– республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳаларини инновацион ривожлантириш учун замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарлигини, меҳнатга бўлган қобилиятини шакллантириш ва юксалтириш;

– чет тили ва замоновий ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўз саводхонлигини мунтазам ошириб бориш;

– таълим олувчиларда мустақил ва танқидий фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилият ҳамда ижро интизомини шакллантириш;

– ўзига бириктирилган талабалар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

– ўзининг одоби, маданияти, юксак маънавий савияси билан ўрнак бўлиш;

– Транспорт вазирининг буйруғи ҳамда Университет ректорининг буйруқларида белгилаб қўйилган касб кийимини кийиб юриш тартиби ва маданиятига риоя этиш;

- республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;
- университет, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;
- ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;
- дарсларни ўз вақтида бошлиш ва тугатиш ҳамда юқори савияда ўтиш;
- фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;
- ҳар ўқув йили бошлангунига қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календарь-тематик режаси, силлабуси, фан тақдимотини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлиси муҳокамасидан ўтказиш;
- баҳолаш назорати тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;
- талабалар билимини холисона ва объектив баҳолаш;
- янги инновацион педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш;
- илмий салоҳияти ва педагогик маҳоратини ошириш;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш.

25. Университет профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг чет эл хизмат сафарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПФ-5156-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги раҳбарияти келишуви асосида амалга оширилади.

26. Университет профессор-ўқитувчилар таркибини уч йилда камида бир маротаба малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

27. Университетнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кафолат ва имтиёзлари Университетнинг ички тартиб-қоидалари, ходимларнинг лавозим Йўриқномалари, одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда жамоа шартномасида кўрсатилган бандлар билан белгиланади.

28. Таълим-тарбия жараёнларини қўллаб-кувватлаш ҳамда таълим сифатини таъминлаш бўйича самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли

ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарори, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 июлдаги “Олий таълим муассасалари хузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 670-сон буйруғи асосида Жамоатчилик кенгаши фаолият юритади.

IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий ишлар Олий таълим (бакалавриат ва магистратура)

29. Университетда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторидаги қўйидаги билим соҳалари бўйича ўқитиш амалга оширилади:

- 100 000 – “Гуманитар соҳа”;
- 200 000 – “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва хуқук”;
- 300 000 – “Ишлаб чиқариш-техник соҳа”;
- 600 000 – “Хизматлар соҳаси”.

30. Университетда асосий таълим дастурлари икки босқичда амалга оширилади: бакалавриат (кундузги, сиртқи ва маҳсус сиртқи) ва магистратура.

Бакалавриат:

–таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда фундаментал ва амалий билимлар берувчи, кундузги таълим тизимида ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир;

–таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда фундаментал ва амалий билимлар берувчи, сиртқи таълим тизимида ўқиш муддати 5 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир;

–таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда фундаментал ва амалий билимлар берувчи, маҳсус сиртқи таълим тизимида ўқиш муддати 3 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавр ўқув дастурини тугатган битиравчиларга давлат аттестацияси якунларига мувофиқ таълим йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

а) бакалавриат таълим йўналишлари:

Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича);

Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича);

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича);

Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича);

Ҳаво кемаларининг техник эксплуатацияси;

Транспорт воситалари муҳандислиги (турлари бўйича);

Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича);
Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича);
Интеллектуал муҳандислик тизимлари (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
Авиация инжиниринги;
Амалий космик технологиялар;
Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (тармоқлар бўйича);
Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш;
Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича);
Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича);
Йўл муҳандислиги (соҳалар ва фаолият турлари бўйича);
Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар (тармоқлар бўйича);
Транспорт логистикаси (транспорт турлари бўйича);
Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш;
Йўл ҳаракатини ташкил этиш;
Автомобиль сервиси;
Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (тармоқлар бўйича).

Магистратура–йўналишнинг муайян аниқ мутахассислиги бўйича бакалавриат негизида, фундаментал ва амалий билим берадиган олий таълимдир.

Магистр ўқув дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига мувофиқ муайян мутахассислик бўйича «магистр» даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

б) магистратура мутахассисликлари:

Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
Корпоратив бошқарув;
Электр таъминоти (тармоқлар бўйича);
Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиация электр тизимларидан техник фойдаланиш;

Хаво кемалари ва авиаация двигателларидан фойдаланиш;
Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари
(транспорт турлари бўйича);
Темир йўл транспорти (транспорт турлари бўйича);
Автомобиллар ва автомобиль хўжалиги;
Ички ёнув двигателларини синаш ва улардан фойдаланиш;
Автотранспорт воситаларини синаш;
Вагонсозлик;
Интеллектуал транспорт тизимлари;
Электр поездлар;
Тезюорар электропоездлар;
Темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика;
Амалий космик технологиялар;
Ахборот тизимлари (тармоқлар бўйича);
Бино ва иншоотлар қурилиши (иншоотлар тури бўйича);
Инфратузилма объектларини қуриш (иншоотлар тури бўйича);
Муҳандислик коммуникация тизимлари, қурилиши ва монтажи
(турлари бўйича);
Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги;
Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (кўприклар ва
тоннеллар);
Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш;
Кўприклар, тоннеллар ва йўл ўтказгичлар қурилиши;
Шаҳар йўллари ва кўчалари;
Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар (турлари ва тармоқлар
бўйича);
Транспорт логистикаси (транспорт турлари бўйича);
Хаводаги ҳаракатни бошқариш ва аэронавигация;
Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиш (транспорт турлари
бўйича).

31. Университетда таълим жараёни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиладиган, белгиланган идоралар билан келишилган ҳамда тегишли Вазирликлар ёки университет ректори томонидан тасдиқланадиган давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари, фанларнинг дастурлари, ўқув йили ўқув жараёни жадвали ҳамда машғулотлар жадвали асосида ташкил этилади.

32. Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услугуб ва воситаларини танлаш йўли билан Университет талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитлар

яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. Университетнинг ижтимоий-иктисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш университет проректори томонидан амалга оширилади.

33. Университетда ўқув машғулотларининг қуидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория машғулоти, маслаҳатлар.

Ўқув машғулотлари ўқув режага мувофиқ бир академик соатдан (45-40 дақиқа) ёки танафусиз икки академик соатдан (80 дақиқа) ўтказилади. Ўқув машғулотлари орасидаги танафус камида 10 дақиқа бўлади. Университетда таълим олиб бориладиган тиллар: ўзбек, рус ва инглиз тиллари ҳисобланади.

34. Университетда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган шаклларда олиб борилади.

Университетнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлигига давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

35. Университетда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши амалдаги баҳолаш (рейтинг, баҳо, кредит) тизимида олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан-курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади.

36. Университетнинг таълим дастурларини ўзлаштириш:

бакалавриат таълим йўналиши бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув режа ва дастур талабларини бажарилиши, Давлат якуний аттестацияси ҳамда битирувчилар томонидан битирув малакавий ишини ҳимоя қилиниши;

магистратура мутахассисликлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув режа ва дастур талабларини бажарилиши, Давлат якуний аттестацияси ҳамда битирувчилар томонидан магистрлик диссертациялари ҳимоя қилиниши билан тугалланади.

37. Университетда илғор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, кредит-модуль тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим:

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўкув ютидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш түғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони талабларига мувофиқ, Университетда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш ҳамда илмий педагогик салоҳиятини такомиллаштириш асосида зарур чоралар кўрилади.

39. Университетда қуидаги ихтисосликлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланади:

- 05.08.02 “Темир йўллар ва йўл хўжалиги”;
 - 05.09.05 “Қурилиш материаллари ва буюмлари”;
 - 05.01.06 “Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари”;
 - 05.08.03 “Темир йўл транспортини ишлатиш”;
 - 01.02.02 “Машиналар, асбоблар ва ускуналар динамикаси ва мустаҳкамлиги”;
 - 05.08.05 “Темир йўлларнинг ҳаракатланувчи таркиби, поездларни тортиш ва электрлаштириш”;
 - 05.09.01 “Қурилиш конструкциялари. Бино ва иншоотлар”;
 - 01.02.04 “Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси”;
 - 05.09.07 “Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси”;
 - 05.04.01 “Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш”;
 - 09.00.02 “Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси”;
 - 05.05.01 Энергетика тизимлари ва мажмуалари;
 - 05.09.05 Қурилиш материаллари ва буюмлари;
 - 08.00.03 Саноат иқтисодиёти;
 - 09.00.04 Ижтимоий фалсафа;
 - 05.10.01 Мехнат муҳофазаси ва инсон фаолияти хавфсизлиги.
 - 05.09.02 Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар
 - 05.02.01 Машинасозлиқда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
 - 05.08.06 Ғилдиракли ва гусенициали машиналар ва уларни ишлатиш
 - 05.02.08 Ер усти мажмуалари ва учиш аппаратлари
40. Университет томонидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизими:
- таянч докторантураси – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб

чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтиносликлари бўйича олий ўкув ютидан кейинги таълим шакли;

- **докторантурा** – Узбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтиносликлари бўйича олий ўкув ютидан кейинги таълим шакли;

- **мустақил изланувчилик** – ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражалари изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтиносликлари бўйича олий ўкув ютидан кейинги таълим шакли асосида амалга оширилади.

41. Университетнинг Ихтинослаштирилган илмий кенгаши томонидан:

тегишли фан тармоғи бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси магистр даражасига ёки олий маълумотга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлган, ўрнатилган талаблар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилган шахсларга илмий даражалар бериш;

фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаси фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда берилган, унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахсларни ўрнатилган талаблар бўйича фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилган шахсларга илмий даражалар бериш;

таянч докторантурага магистр даражасига ёки олий маълумотга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлган шахсларни ўрнатилган талабларга мувофиқ қабул қилиш;

докторантурага фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда берилган, унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахсларни ўрнатилган талабаларга мувофиқ

қабул қилиш;

ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, магистр даражасига ёки олий маълумотга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлган шахсларга ҳам фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рухсат бериш;

ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, фалсафа доктори (PhD) ёки фан номзоди, ёки хорижий давлатларда берилган, унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахсларга ҳам фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рухсат беришни амалга оширади.

42. Университетнинг Инновацион жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарорининг 1- ва 2- бандлари асосида ташкил этилган.

Инновацион жамғарманинг маблағларини шакллантириш, бошқариш ва фойдаланиш тартиби “Тошкент давлат транспорт университетининг инновацион жамғармаси тўғрисидаги Низом”га мувофиқ амалга оширилади.

Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди, университетнинг гербли муҳридан ва ҳисоб рақамларидан фойдаланиб, амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ўз фаолиятини олиб боради.

43. Илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарорининг 1- ва 3- бандлари асосида ташкил этилган.

Илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруқлари ва йўриқномалари, Университет ректорининг буйруқлари ҳамда “Тошкент давлат транспорт университетининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими тўғрисидаги Низоми” асосида олиб бориб, Университетда бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларни мувофиқлаштириш, илмий-техник маҳсулотлар ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш мақсадида ташкил этилган ҳамда Университет кафедралари, илмий-тадқиқот лабораториялари, илмий-техник мажмуалари ва илмий марказлардаги илмий-инновацион

ишланмаларни тижоратлаштирувчи бўлим сифатида университет таркибий тузилмасига киритилган.

Бўлим университетнинг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорига бўйсунади ва бўлим бошлиғи томонидан бошқарилади.

V. Университет таркиби

44. Университетнинг ташкилий тузилмаси таркиби амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўрнатилган тартиблардан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

VI. Университетни бошқариш

45. Университетни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ якка раҳбарлик ва Университет Кенгаши, Васийлар кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғулаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

46. Университетни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартағи 137-Ф-сонли Фармойишида белгиланган тартиб асосида лавозимга тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор Университет фаолияти, шунингдек Университетнинг ички тартиб қоидалари, Олий таълим тўғрисидаги низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятларга риоя қилиниши учун тўла масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Университет номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, Университетнинг мол-мулкига масъуллик қиласи, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида Университетнинг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишилар беради.

Ректор ваколати доирасида:

- Университетнинг барча ходимлари, талabalari ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради;
- маслаҳатчилар, ижроия қўмитаси ходимларини тайинлайди ва ишдан бўшатади;
- Университет проректорлари лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, деканларнинг муайян вазифалари ҳамда мажбуриятларини белгилайди;
- Университет ходимлари ва хизматчиларини, шунингдек, илмий-педагогик ходимларини Ўзбекистон Республикаси Мехнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;

- Университет таркибига кирган илмий-тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлиннамаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги Низомларни тасдиқлайди;
- Университет ходимларининг лавозим маошларига устамалар ва қўшимчаларни белгилайди;
- касаба уюшмаси қўмитаси ёки Университетнинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда Ички тартиб - қоидаларни тасдиқлайди;
- Университетнинг амалдаги меъёрий ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, ўзининг аввалги буйруқларини бекор қиласи ва уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритади;
- Университетда Намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, Университет ходимларининг тасдиқланган сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида Университет профессор-ўқитувчилари таркиби ва Университет ходимларининг штат бирлигини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;
- Университет Кенгашининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларга мувофиқ факультетлар, кафедраларни очиш ёки ёпиш ҳақидаги қарорларни тасдиқлайди;
- Университет кафедраси тўғрисидаги Низом талабларидан келиб чиқсан ҳолда Университет Кенгашининг тавсиясига кўра янги кафедраларни ташкил этади ёки тугатади;
- Конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Университет ректорига ўзи ишлаётган ОТМда ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий-методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлиқ бўйича ишлашга рухсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлиқ бўйича бажариши мумкин эмас.

47. Университет фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш учун ректор (Кенгаш раиси) бошқарадиган Университет Кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) ташкил этилади. Кенгаш таркиби ректор томонидан тасдиқланади. Кенгаш тўғрисида Низом ва унинг регламенти Кенгаш томонидан тасдиқланади.

Кенгаш таркибига проректорлар, деканлар, илмий котиб, кафедра мудирлари, айрим таркибий бўлиннамалар раҳбарлари, етакчи профессорлар, Транспорт вазирлиги Бирлашган касаба уюшмалари

қўмитаси вакиллари киради.

Университет Кенгашининг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг Кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

48. Университетда бошқарувчи жамоатчилик органи сифатида “Васийлик кенгаши” таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 майдаги ПҚ-4703-сон қарорининг 5-иловасига мувофиқ ташкил этилган.

Васийлар кенгашининг ваколатлари ва фаолияти “Васийлар кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

49. Университетда Касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ўзини ўзи бошқариш органлари орқали, шунингдек ходимлар манфаатларини ҳимоялаш Университет маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига биноан амалга оширилади.

Университетда амалдаги Низомларга мувофиқ илмий ва кўнгилли жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар ташкил этилиши мумкин.

Ректорат ва Университет Кенгаши ўз фаолиятида Университет жамоатчилик ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва ўз фаолиятларида уларни ҳисобга олади.

Университет факультетини декан бошқаради.

Факультет декани ўз фаолиятида “Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисидаги Низом”га амал қиласди.

50. Академик лицей фаолияти бошқариш ва мувофиқлаштириш тегишли меъёрий-хукуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Факультет Кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантирилиши ва фаолият юритиш тартиби “Университет факультетининг Кенгаши тўғрисидаги низом” билан белгиланади.

Кафедра фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлов асосида Университет Кенгаши томонидан сайланадиган мудир раҳбарлик қиласди.

Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедра фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

Университет академик лицейининг барча харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Академик лицейга педагог сифатида маҳсус олий маълумотга эга бўлган шахслар танлов-битим асосида, академик лицей директори тавсиясига кўра Университет ректори томонидан ишга қабул қилинади;

Академик лицей ишчиларининг (ўқитувчилардан ташқари) иш

ҳақига тўланадиган устама ҳақи амалдаги Низомлар асосида амалга оширилади.

VII. Молия - хўжалик фаолияти ва моддий-техник базаси

51. Университетга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида тезкор бошқариш ҳуқуқи билан Транспорт вазирлиги томонидан бинолар, иншоотлар, мулкий мажмуалар, Университет паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, шунингдек, истеъмол, ижтимоий, маданий-маиший ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилади.

Университет мулкларини бегоналаштириш, гаровга қўйиш, ҳисобдан чиқариш ва унинг хўжалик жамиятлардаги иштироки билан боғлиқ битимлар Транспорт вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Университет Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган обьектлар қаторига киритилган.

Университетга ажратилган ер участкалари муддатсиз ва беғараз (текин) фойдаланиш учун бириктирилган.

Қўйидагилар университет фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

- а) жорий сақлаш билан боғлиқ қисми бўйича:
 - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
 - тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;
 - хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушган тушумлар;
 - жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари;
 - халқаро молия ташкилотларининг грантлари;
 - қонун хужжатларида таъкиқланмаган бошқа манбалар;
- б) қурилиш ишлари қисми бўйича ҳар йилги Инвестиция дастурида белгиланган тартибда йўналтириладиган маблағлар.

Университет нотижорат муассаса ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси бюджет муассасаларига тааллуқли бўлган амалдаги Низомлар, йўриқномаларга мувофиқ фаолият юритади.

52. Университетга жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкий обьектларга, Университет фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан келишган ҳолда сотиб олинадиган мулкий обьектларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган.

53. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 февралда 2431-рақам билан рўйхатдан ўtkazилган “Олий ва

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ Университетда ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар Университет даромадига киритилади ҳамда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ Университетнинг қуийидаги эҳтиёжлари учун сарфланади:

- университетда ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда контракт асосида таълим олаётган талабаларга (хорижий талабалардан ташқари) стипендиялар тўлашга;

- Университет ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари, шунингдек ягона ижтимоий тўловлар бўйича харажатларни тўлашга;

- мавжуд кредиторлик қарзларни узишга;

- ўқув-лаборатория бинолари, талабалар тураг жойлари ҳамда бошқа бино ва иншоотларни, асбоб-ускуналарни жорий ва капитал таъмирлашга, олий таълим муассасасининг ҳудудини ва атрофини ободонлаштиришга, шунингдек қурилиш-тиклаш ишларига;

- ўқув, илмий-тадқиқот ва лаборатория жиҳозлари, юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар, мебеллар, ўқитишининг техник воситалари, компьютер техникаси ва уларнинг эҳтиёт ҳамда бутловчи қисмлари, плакатлар, стендлар каби кўргазмали қуроллар, ёритиш-кучайтириш воситалари, жисмоний тарбия ва спорт ашёлари, бадиий ҳаваскорлик тўгараги учун мусиқа асбоблари, университет эҳтиёжлари учун керакли материалларни ва бошқаларни сотиб олиш ҳамда таъмирлашга;

- университет Ахборот-ресурс маркази (кутубхона) фондини тўлдиришга;

- хизматчи уяли телефон ва ахборот-интернет харажатларини тўлашга;

- транспорт воситаларини жорий таъмирлаш ва техник қўриқдан ўтказишга;

- университетнинг барча бинолари, майдонлари, техника воситалари, муҳандислик таъминоти жиҳозлари ва муҳандислик коммуникациялари ва талабалар тураг жойларини куз-қиши мавсумида ишлаш учун тайёрлаш-таъмирлаш ишларига;

- талабалар ва ходимлар ошхонаси ва буфетлари эҳтиёжлари учун зарур инвентар, жиҳозлар, хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга;

- университетда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва фуқаро муҳофазасини таъминлаш учун зарур жиҳозлар, материаллар ва буюмларни харид қилишга ва тадбирларни ўтказишга;

- маданий ва спорт тадбирларини ўтказишга;

- хорижий олий ўқув юртларида истиқболли ёш педагог ва илмий

кадрларнинг малакасини ошириш ва стажировка ўташларига;

- университет ходимларини моддий рағбатлантиришга (устама ҳақ, қўшимча тўловлар, мукофотлар) ва уларга моддий ёрдам кўрсатишга;

- университет талабаларини ижтимоий муҳофаза қилиш доирасида бир йилда бир талабага базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баробаридан ортиқ бўлмаган миқдорда бир йўла моддий ёрдам кўрсатишга;

- гуруҳ мураббийларининг фаолияти самарадорлиги ва масъулиятини янада ошириш, уларнинг доимий рағбатлантириб борилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир гуруҳ мураббийига (жумладан мураббийлар кенгashi раҳбарларига) ойлик маошининг 25 фоизигача миқдорда устама ҳақ тўланишини таъминлашга;

- ҳар ўкув йилида маънавий-маърифий ишларни молиялаштириш мақсадида таълим муассасаси харажатлари сметасининг камида 5 фоизини юқорида назарда тутилган харажатлар учун ажратишга;

- университет фаолиятини амалга оширишни таъминлаш учун зарур бўлган бошқа харажатларни қоплашга.

Харажатларни амалга оширишда маблағлар биринчи навбатда стипендия, иш ҳақи ва унга tenglashтирилган тўловлар ҳамда энергия ресурслари ва коммунал хизматларнинг ҳақини тўлаш мақсадларига йўналтирилади.

54. Университет мол-мulkни ижарага олувчи ва мол-мulkни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Университет ўзига бириктирилган, ижарага берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мulkларни тасарруф этиш ҳуқуқисиз, белгиланган нархлар бўйича вақтинча ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳақи сифатида олинган маблағлардан Университетнинг таълим жараёнини таъминлаш ва уни янада ривожлантириш учун фойдаланилади.

55. Университетнинг асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириш мумкин. Университет шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг Уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Университет ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг Низом жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консультациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчилиқда назарда тутилган бошқа мажбурий

тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Университет Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур Уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қиласди.

56. Университетда лавозим маошлари меҳнат шарномаси (битими) тузилаётганда Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади. Университет ходимига лавозим маоши (ставка), ўз функционал вазифаларини ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Қўшимча тўлов, маош, устама, мукофот ва бошқа моддий рағбатлантириш усусларини Университет қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгиланади.

Профессор-ўқитувчилар ва ходимларга белгиланган маошлар Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирининг буйруқларига мувофиқ ҳамда эгаллаб турган лавозимига мослиги бўйича аттестациянинг ижобий натижасига кўра уни ошириш мақсадида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

57. Университет ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналарни ажратади ва майший шароитлар яратади.

Университет қошидаги тиббий-санитар муассасасига, шунингдек унинг ҳудудида жойлашган ёки Университет балансида бўлган ҳамда талаба, тингловчи ва ходимларга хизмат кўрсатувчи ошхона ва бошқа умумий овқатланиш муассасаларига иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан таъминланган хоналар ажратилади.

Университетта тегишли биноларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

58. Университет ходимларининг ташаббускорлиги ва моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Университетда юридик шахс мақомига эга бўлмаган бюджетдан ташқари жамғарма (кейинги ўринларда - Жамғарма) ташкил этилган.

а) Жамғарма маблағлари тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари", "Uzbekistan Airways" ва "Uzbekistan Airports" акциядорлик жамиятлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан шакллантирилади;

б) Жамғарма маблағлари Университет профессор-ўқитувчилари, шу жумладан ўриндошлиқ асосида ишловчи профессор-ўқитувчилари, бошқарув, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат

кўрсатувчи ходимларига уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг 200 фоизигача миқдорида ҳар ойлик устамаларни тўлашга йўналтирилади;

в) Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шу жумладан ҳар ойлик устамаларни белгилаш мезонлари Васийлик кенгаши билан келишилган ҳолда Университет ректори томонидан белгиланади;

г) Университетнинг бошқарув, профессор-ўқитувчилари, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим машига белгиланган коэффициентларда қуйидаги ҳажмларда ҳар ойда қўшимча пул тўланади:

3 йилдан 5 йилгacha - 0,15;

5 йилдан 10 йилгacha - 0,2;

10 йилдан 15 йилгacha - 0,3;

15 йилдан ортиқ - 0,4.

VIII. Халқаро ҳамкорлик

59. Университет Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, ушбу Уставда назарда тутилган ва “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташки иқтисодий фаолият билан шуғулланиш хуқуқига эга.

Чет эл фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим муассасаси илмий-педагог ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий-тадқиқот ишлари давлатлараро органининг хорижий давлатлар таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек Университет унинг қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

60. Университет хорижий ҳамкор олий ўқув юртлари билан таълим тўғрисидаги келишувга мувофиқ академик мобиллик дастури доирасида талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро алмашинувини амалга ошириши мумкин.

61. Университет қуйидаги хуқуқларга эга:

– халқаро нодавлат ташкилотларга кириш;

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари деб қаралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш;

– Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддасига мувофиқ таълим муаммолари юзасидан халқаро

ҳамкорликда иштирок этиш, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма факультетлар ташкил этиш;

– хорижий шериклар иштирокида олий таълим муассасасининг таркибий бўлинмалари (марказлар, лабораториялар, техник парклар ва бошқа бўлинмалар)ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш;

– Узбекистон Республикасига қўшни ва чет эл олий таълим муассасалари талабалари ва илмий тадқиқотчиларининг стажировка ва амалиётларини ташкил этиш;

– соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув курсларини хўжалик шартномалари асосида ташкил этиш.

62. Университетнинг ташқи иқтисодий фаолиятидан тушган валюта, моддий тушумлари қонунчиликка биноан унинг Уставида белгиланган фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади.

63. Хорижий сафарларга юборилган профессор-ўқитувчилар, стажёр-тадқиқотчи изланувчилар, ишчи ходимлар ва талабалар (бакалавр ва магистр) бажариши лозим бўлган режа ишларини бажармаган ҳолда ва ўз ҳатти-ҳаракатлари билан университет шаънига птур етказган ҳолатларда, уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган чоралар кўрилади.

X. Университетда ҳисоб ва ҳисботлар юритиш

64. Университет ўқув, илмий ва молиявий - хўжалик фаолияти якунлари ҳақида Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда ва шаклда танланган ҳисоб-китоб Сиёсатига мувофиқ тезкор, бухгалтерлик ва статистика ҳисоби ва ҳисботларини юритади

Юқоридаги ҳисботларни белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлигига, давлат статистика органларига, пенсия жамғармасига, хизмат кўрсатувчи банкка ва давлат солиқ органларига топширади.

XI. Якуний қоидалар

65. Университет Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда қўйидаги ҳолатлар учун жавобгар ҳисобланади:

– унинг ваколатига киритилган вазифалар бажарилмаганлиги;

– таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажми тўлиқ бажарилмаганлиги;

– таълим жараёни вақтида Университетда таълим олувчилар

ҳамда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғи;

– таълим олувчилар ва Университет ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги;

– Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатлар.

66. Университет Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

67. Университетнинг Уставига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш қонунчиликда назарда тутилган тартиблар асосида амалга оширилади.